«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Qashqadaryo texnologik transport»
aksiyadorlik jamiyati кузатув кенгаши
йиғилишида
«ТАСДИҚЛАНГАН»
Кузатув кенгаши раиси

_____ С.С.Бутаёров

07.09.2022й. 4 -сон

(сана) М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги томонидан
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Вазир ўринбосари

_____ О.Исаков

«25» 08 2022й. 20156-8- сон

(сана) М.Ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“Qashqadaryo texnologik transport” aksiyadorlik jamiyati
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами оддий акцияларга берилди:	R	U	1	0	8	D	0	1	5	6	T	4
Идентификация рақами имтиёзли акцияларга берилди:	R	U	2	0	8	D	0	1	5	6	T	2

Ҳар бирининг номинал қиймати 106 (бир юз олти) сўм бўлган 53658400 (эллик уч миллион олти юз эллик саккиз минг тўрт юз) дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз ва 403 600 (тўрт юз уч минг олти юз) дона эгаси ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз акциялар

Ушбу акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши саккизинчи чиқарилишдир.

Тасдикланган: “Qashqadaryo texnologik transport” aksiyadorlik jamiyati кузатув кенгашининг йиғилиши қарори

«07» 09 2022 йил 4 -сон Баённома,

«07» 09 2022 йил 4 -сон Баённома, кузатув кенгаши йиғилиши карори асосида

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: **Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Карши шахри, Косон тош йўли, 16-уй, почта индекси 180100, телефон: (99) 545-53-58**

Эмитентнинг рахбари: _____ **Қ.Т.Султонов**
имзо (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер: _____ **А.А.Хикматуллаев**
имзо (Ф.И.Ш.)

Мухр

Сана «___»_____ 2022 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий ва имтиёзли.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **106 (бир юз олти) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **жами 54 062 000 дона, шундан 53 658 400 дона оддий ва 403 600 дона имтиёзли.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **5730572000 (беш миллиард етти юз ўттиз миллион беш юз етмиш икки минг) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Акциядорлар:

-жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

-депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

-жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

-жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

-акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

-жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

-олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

-қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

-ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

-ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

-қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

-имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида

жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

-имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидаги ва ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар ёпиқ обуна усулида ушбу акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестридаги акциядорлар ўртасида ҳар 1 (бир) дона акция учун қўшимча 1 (бир) дона акция қўшиб бериш йўли билан жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **5 730 572 000 сўм (беш миллиард етти юз уттиз миллион беш юз етмиш икки минг) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Аввал хар бирининг номинал қиймати 106 сўм бўлган 53658400 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз ва 403600 дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз акциялар жойлаштирилган.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони: **Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар ёпиқ обуна усулида ушбу акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестридаги акциядорлар ўртасида ҳар 1 (бир) дона акция учун қўшимча 1 (бир) дона акция қўшиб бериш йўли билан уюшмаган бозор орқали фуқаролик-ҳуқуқий битимларсиз тўғридан-тўғри жойлаштирилади.

11.2.Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки

акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилувдаги акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 365 кундан ошмаслиги керак.

Бунда:

Жойлаштиришни бошлаш санаси - акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

Жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишининг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур акциялар давлат рўйхатига олиниган кундан бошлаб 365 календарь кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларнинг охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).

Ушбу чиқарилишдаги барча акциялар ёпиқ обуна усулида ушбу акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун ҳолатига шакллантирилган эмитент акциядорлари реестридаги акциядорлар ўртасида ҳар 1 (бир) дона акция учун қўшимча 1 (бир) дона акция қўшиб бериш йўли билан уюшмаган бозор орқали фуқаролик-ҳуқуқий битимларсиз тўғридан-тўғри жойлаштирилади.

Ушбу акциялар чиқарилишини жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқукларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: **Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси**

Ташкилий ҳуқуқий шакли: **Давлат унитар корхонаси**

Жойлашган ери ва почта манзили: **100170, Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй.**

Алоқа телефони: **267-37-42, WEB: www.deponet.uz , e-mail: info@deponet.uz**

Хизмат кўрсатувчи депозитарийлар тўғрисидаги маълумотлар:

1. Тўлиқ номи: **«Birinchi Banklararo Depozitariy» масъулияти чекланган жамият**

Ташкилий ҳуқуқий шакли**: масъулияти чекланган жамият**

Жойлашган ери ва почта манзили: **100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. Яшнабод тумани, Истиқбол кўчаси, 15.**

Телефон: 233-06-52, 233-29-07, WEB: www.bbd.uz, e-mail: bbd_1@mail.ru.

2. Тўлиқ номи: **«Toshkent Investitsiya Majmui» масъулияти чекланган жамияти**

Ташкилий ҳуқуқий шакли: **масъулияти чекланган жамият.**

Юридик манзили: **100170, Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй.**

Жойлашган ери ва почта манзили: **100170, Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй.**

Алоқа телефони: **71-268-44-22. WEB: www.tashinvestkom.uz, e-mail: tashinvestkom@mail.ru**

3. Тўлиқ номи: **«Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi» масъулияти чекланган жамият**

Ташкилий ҳуқуқий шакли: **масъулияти чекланган жамият**

Жойлашган ери ва почта манзили: **100170 Тошкент шахри, Мирзо-Улугбек тумани Мустақиллик шох кўчаси, 107 уй.**

Алоқа телефони: **267-35-20, 267-35-27.**

4. Тўлиқ номи: **«Qashqadaryo Vaqt» масъулияти чекланган жамият**

Ташкилий ҳуқуқий шакли: **масъулияти чекланган жамият**

Жойлашган ери ва почта манзили: **100131, Қарши шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 2-уй.**

Алоқа телефони: **8-375-221-18-22.**

5. Тўлиқ номи: **«TSIAR-DEPO» масъулияти чекланган жамият**

Ташкилий ҳуқуқий шакли: **масъулияти чекланган жамият**

Жойлашган ери ва почта манзили: **Тошкент шаҳри. Мирзо Улугбек тумани, Чует кўчаси, 2-«А» - уй**

Алоқа телефони: **233-82-18, 262-08-41, 262-08-47.**

6. Тўлиқ номи: **«NEFTGAZDEPOZIT» масъулияти чекланган жамият**

Ташкилий ҳуқуқий шакли: **масъулияти чекланган жамият**

Жойлашган ери ва почта манзили: **Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 26/1-уй.**

Алоқа телефони: **129-77-66.**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

- бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

- жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

- жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар аввалги акциядорлар ўртасида ёпиқ обуна усулида жойлаштирилаётганлиги сабабли акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(Акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади).

Акциялар номинал қийматда, яъни 106 (бир юз олти) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш — топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

- баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган).

Акциялар жамият акциядорлари ўртасида жамиятнинг олдинги йиллардаги соф фойдасидан жамият устав фондига капитализация қилиш шарти билан йўналтирилган, бухгалтерия балансидаги 6869654000 сўм тақсимланмаган фойдаси хисобидан 5730572000 (беш миллиард етти юз ўттиз миллион беш юз етмиш икки минг) сўмини устав капиталини оширишга йўналтириш асосида жойлаштирилади. Шу сабабли акцияларга хеч қандай тўловлар амалга оширилмайди .

Яъни д-т 8700 хисобдан 5730572000 сўм миқдоридаги тақсимланмаган соф фойдани к-т 8300 ҳисоб варағига проводка бериш амали бажарилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, эмитент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу факт тўғрисида расмий маълумотни эълон қилади.

Ушбу акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда ўн (10) кун ичида қонунчиликда белгиланган тартибда акциялар учун тўланган тўлов тақсимланмаган фойда жамият устав фондидан олинади ва 8300 хисобдан 5730572000 сўм миқдордаги суммани 8700 ҳисобга ўтказиш амали (кайта проводка) бажарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Жамият ушбу чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади:

• Корпоратив ахборот ягона порталида – www.openinfo.uz;
• АЖ "РФБ "Тошкент"" веб-сайтида – www.uzse.uz;
• Эмитент веб-сайтида – www.qutt.uz.

Ҳар қандай манфаатдор шахс акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси ва/ёки унинг нусхаси (шу жумладан электрон нусхаси) билан қуйидаги манзиллар бўйича танишиши мумкин: Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхалари билан барча манфаатдор шахслар жамият жойлашган манзилда (Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй) иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: **Бошқа маълумотлар мавжуд эмас.**